Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 16 ноябрь, № 231 (6925) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ, ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда парламент ва ҳукумат аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари масъул ходимлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Видеоселекторда жойлардан маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари қатнашди.

Қайд этиш жоизки, ўтган вақт давомида Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари асосида фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, давлат органлари ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди.

Давлат идоралари, зиёлилар, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини бирлаштириш орқали ишлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанба куни — "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" этиб белгиланди ва жойларда бу амалиёт ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 фоиз, шундан талончилик 16 фоиз, босқинчилик — 19 фоиз, қотиллик — 21 фоиз, товламачилик — 22 фоиз, безорилик — 34 фоиз камайишига эришилди.

Шунингдек, аёллар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари 16 фоиз, ёшлар ўртасида 14 фоиз, вояга етмаганлар ўртасида 17 фоиз камайди.

Президентимизнинг жорий йил 8 августдаги қарорига асосан, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳудудлари секторларга бўлинди. Секторларда ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоатчилик вакиллари мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Аҳоли ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилгани натижасида 1 минг 243 маҳаллада бironта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 22 минг 370 оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, 11 минг 345 ёш оила ажрашиб кетишдан сақлаб қолинди, маҳалла посбонларининг тезкор хабарлари ёрдамида 4 минг 494 жиноят фош этилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Тошкентда "хавфсиз шаҳар", Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида "хавфсиз туризм", Паркент туманида "хавфсиз дам олиш" концептуал лойиҳалари жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда савдо-сотиқ, маданий ҳордиқ чиқариш ва бошқа жамоат жойлари, таълим муассасаларида жами 177 мингдан ортиқ видеокузатув мосламалари ўрнатилиши натижасида кўплаб оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этишга эришилди.

Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак", деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Наманган шаҳрининг Орзу маҳалласидаги ижобий тажрибадан самарали фойдаланиш натижасида вилоятнинг 160 та, Хоразмда "Жамоатчилик назорат масканлари" фаолияти йўлга қўйилиши эвазига 198 та маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга эришилди.

Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир.

Бу масалада ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қўшимча имкониятлар яратишга энг асосий эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда мамлакатимизда 11 эркин иқтисодий зона ва 5 саноат зонаси ташкил этилди. Кичик саноат зоналарининг сони 90 тага етказилди. Бу йил янгидан ташкил этилган корхоналарда 7 минг 500 ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, 650 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Бу эса ҳудудларни жадал ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда юқори технологик ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтириш, ҳалол ва фаровон турмуш шароитини йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, давлатимиз раҳбари айрим ҳудудларда жиноятларни сезиларли камайтиришга эришилмагани, баъзи жиноят турлари ошгани каби камчиликларни кескин танқид қилди.

Хусусан, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари мутасадди раҳбарларига йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш борасида аниқ топшириқлар берилди.

Қатор маҳаллаларда профилактик тадбирларнинг самарадорлиги етарли даражада таъминланмагани, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги талаб даражасида йўлга қўйилмагани, бу эса айрим турдаги оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлгани аниқ рақам ва мисоллар асосида таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, туманлар кесимида жиноятларнинг олдини олиш борасида алоҳида чора-тадбирларни ўз ичига олган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатма берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг дастлабки 10 ойида содир этилган қотиллик жиноятларининг 165 таси эр-хотин ва қайнона-келинлар ўртасида, 66 таси кўни-қўшнилар ўртасида оддийгина маиший келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққан.

Йиғилишда маҳаллаларда фаолият юритаётган посбонлар ҳақида сўз борар экан, кўп ҳолларда уларнинг салоҳияти, билим ва малакаси талабга жавоб бермаслиги, бундай вазифага фидойи ёшлар сафарбар этилмаётгани, рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилмагани сабабли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда посбонлар иштироки сезилмаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, унинг иш самарадорлигини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Яна бир оғриқли мавзу — кўрилаётган чораларга қарамасдан, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кескин камайтиришга эришилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай жиноятларнинг асосий сабаблари фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмасликка бориб тақалади. Оқибатда бу содда одамларнинг жиноят қурбони бўлишига олиб келмоқда.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари нотариат тизимларидаги бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига чек қўйиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали нотариал хизматлар кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда, шунингдек, аёллар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларига барҳам берилмаётгани танқид қилинди. Шу сабабли оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни атрофлича ўрганиш, аниқланган муаммоларни жойида ҳал этиш, бу жараёнда, айниқса, сектор раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталари ҳамда жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари фақат жазо қўллаш таҳдиди билан эмас, аввало, аҳоли онгига жиноятга қўл урмаслик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, Ватанга садоқатли бўлиш, атрофдаги инсонларга юксак ҳурматда бўлиш каби фазилатларни сингдириш лозимлиги, бунда оммавий ахборот воситалари, радио-телевидение, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар матбуот хизматлари янада фаоллик кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик масаласи батафсил муҳокама қилинди. Бу борада аҳвол ташвишланарлидир. Хусусан, жорий йилнинг 10 ойи давомида ёшларнинг 22 минг нафари жиноятга қўл урган. Бу рақам жиноят содир этган жами шахслар кўрсаткичининг учдан бир қисмини ташкил қилади. Ачинарлиси шуки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан эса 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган.

Тошкент юридик коллежи ўқувчилари дарс вақтида муассаса ҳовлисида ўзаро жанжаллашиб, оқибатда бу улардан бирининг ўлимига, бирининг эса оғир жароҳат олишига сабаб бўлгани каби ҳолатлар қайтарилишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Шу мақсадда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўқувчи-талабаларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, мактабгача ва мактабдаги таълим даврида тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш, бу жараёнга малакали кадрларни жалб этиш, ёшлар учун бизнес соҳасига оид адабиётлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири бўлган ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу муаммони бартараф этмай туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев жиноят содир этганларнинг 16 мингдан зиёди ёки ҳар тўрттадан биттаси ишсиз эканига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари бундай нохуш ҳолатни бартараф этиш учун ҳар бир сектор раҳбари ўзига бириктирилган ҳудудларда тадбиркорлик субъектларини тўлиқ қўллаб-қувватлаши, янги иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиши, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга имконият яратиш бўйича аниқ ишларни амалга ошириши лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган яна бир долзарб масала, бу — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигидир. Масалан, ўтган 10 ойда содир этилган 8 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 2 минг 31 нафар фуқаро ҳалок бўлиб, 7 минг 622 нафари тан жароҳати олган. Бу ҳодисаларнинг асосий сабаби фуқароларимизда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишда, автотранспорт воситаларининг йўлларда ҳаракатланиши учун хавфсизлик чораларини кўришда жиддий муаммолар мавжудлигидадир.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутасадди раҳбарларга ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш, йўлларни ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида хизмат интизоми ва қонунчиликни кучайтириш, ички ишлар идоралари таркибига адашиб кириб қолган, масъулиятни тўла англамасдан, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлаётган ходимлардан тозалаш масаласи доимо долзарб вазифадир.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органларининг кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир туманда тузилган секторлар фаолияти таҳлил қилинди. Бундан буён ҳар бир сектор раҳбари жиноятчиликнинг ҳолати учун ҳам шахсан жавоб бериши қайд этилди. Сектор раҳбарларининг бу борадаги масъулиятини ошириш мақсадида Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясини тузиш бўйича топшириқ берилди. Унинг таркибига "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Маънавият ва маърифат маркази раҳбарларини ҳам киритиш, Комиссия фаолиятини Олий Мажлис Сенати томонидан мувофиқлаштириш белгиланди.

Мажлисда раҳбарлар маънавияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар — у вазир ёки ҳоким бўладими, идора ёки ташкилот бошлиғи бўладими, ўзининг одобахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар юртимизда аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани, янги тизим яратилгани ижобий натижалар бераётганини қайд этдилар.

Шу билан бирга, барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича камчиликлар ҳали кўплиги, уларни бартараф этиш ва соҳадаги аҳволни ўнглаш, давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқларнинг қатъий ижросини таъминлашда давлат идоралари, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

ЎзА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Жорий йилнинг 15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Жисмоний соғлом, маънавий ва ақлий камол топган, мустақил фикрловчи, Ватанга садоқатли, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги ижтимоий фаоллигини ошириш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Депутатлар мажлис давомида «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

«Келажак бунёдкори» медалининг таъсис этилиши муҳимлиги ва зарурлигини таъкидлаб, депутатлар қайд этдиларки, ушбу медаль ёшларнинг юксак марраларга интилишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

— Мамлакатимиз Президенти ёшлар масалаларини кун тартибига қўяётгани бежиз эмас, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Абдуғаффор Қирғизбоев. — Барчага маълумки, бу йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида таъкидлаганидек, бизнинг энг муҳим йўналишимиз, бу — ёшлар. Ушбу масалани ҳал этсак — катта ўзгаришларга эришамиз. Ёшлар барча соҳада фаол бўлиб, ютуқларга эришаётгани, ўз фаолиятини такомиллаштиришга интилаётгани эндиликда янгилик эмас. Медалнинг таъсис этилиши истиқболга бўлган давлат эътиборининг ёрқин мисолидир.

(Давоми 2-бетда).

Дунё мамлакатларидаги таълим-тарбия сифати ўрганилди

Бугунги кунда дунёда 264 миллион нафар бола мактабга қатнамаяпти, 100 миллиондан ортиқ ёш авлод вакиллари эса ўқишни билмайди. Жаҳон мамлакатларининг, бор-йўғи, 20 фоизида 12 йиллик бепул ва мажбурий таълим ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

НИГОҲ

Ушбу маълумотлар яқинда ЮНЕСКОнинг "Таълимдаги ҳисобдорлик: мажбуриятлар бажарилиши" деб номланган ҳисоботида маълум қилинган. Маърузада 128 та давлатнинг 2010 — 2015 йилларга оид статистик маълумотлари таҳлил этилган.

Таъкидланишича, таълим соҳасидаги натижалар ҳар бир давлат ўз мажбуриятларини қандай бажариши билан боғлиқ. Сифатли таълимга эришиш биргалиқдаги вазифа ҳисобланади. Маруза таълимнинг тўлақонли, адолатли ҳамда сифатли бўлиши йўлида ҳукуматлар, мактаблар, ўқитувчилар, ота-оналар, халқаро ташкилотлар ва хусусий тузилмаларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш механизмларини қамраб олган.

Ҳисоботда келтирилишича, 2010 — 2015 йилларда дунёдаги болаларнинг 83 фоизи бошланғич, 69 фоизи ўрта, 45 фоизи эса катта синфни тамомлаган. Маърузада ўғил-қизлар жаҳон мамлакатларининг 66 фоизида бошланғич, 45 фоизида ўрта, 25 фоизида катта синфларда таълим олиш борасида тенг имкониятларга эга эканлиги ифодаланган.

(Давоми 2-бетда).

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

саноат салоҳияти ҳамда экспорт ҳажми ошишида муҳим ўрин тутади

Кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Марказий Осиё саноат ҳафталиги — 2017" иш бошлади. Мазкур халқаро форум доирасида саноатимизнинг етакчи тармоқларига ихтисослаштирилган бир йўла тўртта кўргазма ўтказилаётир. Булар "Кончилик ускуналари — Mining World Uzbekistan — 2017", "Металлургия. Машинасозлик дастгоҳлари — Machinery Central Asia — 2017", "Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2017", "Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя — Securika Central Asia — 2017" халқаро кўргазмаларидир.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

Ташкилотчиларнинг билдиришича, мавзу ҳамда кўлами жиҳатидан ниҳоятда кенг бўлган тадбир бир-бирига яқин тармоқлар ютуқларини намойиш этиш билан чегараланмайди, балки улар ўртасида кооперацияни ривожлантириш, юртимиз ва хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода, у истиқболда саноат салоҳияти ҳамда экспорт ҳажми ошишида муҳим бизнес мулоқоти майдони вазифасини ўтайди.

Халқаро анжуманнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги пайтда иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, айниқса, саноатни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришга инновацион ишланма ва илғор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилаяпти. Хусусан, кон-металлургия соҳасидаги техник ҳамда технологик янгиланишлар ер ости бойликларини қидириб топиб, халқ манфаати, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида ўзлаштириш имконини бераётир.

(Давоми 2-бетда).

Куз-қиш мавсуми:

Тайёргарликдан истеъмолчи розими?

Одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуш фаровонлиги, саломатлиги, қўйингки, кайфиятига бевосита дахлдор масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. Сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли тураржойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати, шубҳасиз, улар орасида энг долзарбларидан бири ҳисобланади.

БУГУННИНГ ГАПИ

Президентимиз шу йилнинг 2 октябрь куни мазкур масала таҳлилига бағишланган йиғилишда кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик, табиий ҳамда суюлтирилган газ таъминоти, кўмир етказиб бериш, санитар тозалаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб, коммунал соҳада иш сифати ва хизмат кўрсатишни юксалтириш юзасидан тегишли вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарларига топшириқлар берган эди.

Хўш, жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бугунги аҳволи қандай?

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидландики, «Келажак бунёдкори» медали билан халқ манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилаётган, юксак ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этиб келаётган, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган, ўқишда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшлар мукофотланади.

Бундан ташқари, ушбу медаль билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Сўнгра депутатлар «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади давлат органлари ва муассасаларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Таъкидлаб ўтилдики, хорижий тажрибани ўрганиш кўпгина чет мамлакатларда фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари йўқлигини кўрсатмоқда. Жамоатчилик назорати, асосан, давлат органларининг очиқлиги ва шаффофлиги нуқтаи назаридан амалга оширилади.

Шу билан бирга, иштирокчилар бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Интернет-муҳокамаси амалиёти қўлланилаётганлигини, жамоатчилик муҳокамаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин бўлган тартибот ўрнатилаётганини қайд этиб ўтдилар. Мазкур лойиҳа жамоатчилик муҳокамаси учун парламент қуйи палатасининг веб-сайтида, шунингдек, mt.uz, strategy.uz ва бошқа ННТнинг веб-сайтларида жойлаштирилган.

Ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилганидан кейин уни жойларда муҳокама қилиш бўйича 30 дан ортиқ тадбирлар ўтказилганлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Шунингдек, теле ва радиоканалларда кўрсатувлар ва эшиттиришлар, ток-шоулар ташкил этилди.

Депутатлар баҳс ва мунозаралардан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Болаларини тарбиялаш бўйича ўз бурчини бажармаётган ота-оналарни жавобгарликка тортиш юзасидан амалдаги белгилаб қўйилган нормаларга қарамай, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг бажарилмаслиги ҳоллари ўсаётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, 2014 — 2016 йилларда вояга етмаган болаларини тарбиялаш ва ўқитиш бўйича ота-оналик бурчларини бажармаганлиги учун салкам 50 минг нафар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, айнан шу даврда 33 минг нафарга яқин вояга етмаган ёшлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган, салкам 7 минг нафар ўсмирлар жиноят содир этган.

Парламент қуйи палатаси депутати Одинахон Жамолдинованинг сўзларига кўра, 2017 йилнинг ўтган даврида текшириш жараёнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчилари 174 мингдан ортиқ ҳолатларда машғулотларга келмаганлиги аниқланган. Ушбу кўрсаткич 2016 йилда деярли 80 мингтани ташкил этган эди.

Таъкидландики, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашга, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган фарзандларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганлик учун масъулиятни оширишга хизмат қилади.

Мажлисда муҳокамалар ва баҳс-мунозаралар жараёнида депутатлар бирлашмалари томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар ва бир қатор тавсиялар билдирилди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи бошқа қонун лойиҳалари ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

АНЖУМАН

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Мудофаа вазирлиги ўртасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда ёш ҳарбий хизматчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Ватанпарварлик ва шижоат

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, иқтидорли ёшлар, "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Меморандум имзоланганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири А. Азизов ва бошқалар тадбирга йиғилган ёшларга ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг мазмун-моҳияти, мақсади, режалаштирилаётган ишлар, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ҳамда муассасаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич тузилмаларини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек асраш, ёш авлод ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси борасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш каби кўзда тутилган кенг қўламли ишлар ҳақида маълумот бердилар.

— Келишувга мувофиқ, эндиликда ёш ҳарбий оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб тураржой ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратишга амалий кўмак кўрсатилади, — дейди Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи Тимур Нарзиев. — Қолаверса, ҳудудларда "Жасорат" клублари фаолиятини ташкил қилиш, "Ёшлар поезди" тарғибот акциясида ҳарбий хизматчиларнинг иштирокини кучайтириш, армия мактабини ўтаган йигитлар билан узлуксиз алоқани йўлга қўйиш, муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилганларнинг бандлигини таъминлаш каби чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейидаги экспонатлар намойиш этилди.

Шунингдек, ўқувчи ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг Ёшлар иттифоқи бошланғич тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ҳарбий хизмат билан боғлиқ бир қатор саволларига Мудофаа вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ходимлари томонидан батафсил жавоб берилди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро қилинган куй-қўшиқлар йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

саноат салоҳияти ҳамда экспорт ҳажми ошишида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Геология-қидирув техникалари, маъданларни майдалаш ускуналари, фойдали қазилма бойликларини бойитиш ва ташиш қурилмалари, конларни автоматлаштириш жиҳозларини жалб қилишда анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазманинг роли катта бўлмоқда.

Саноат форумининг бу галги бирлашган экспозициясида Австралия, Бельгия, Германия, Дания, Испания, Италия, Хитой, Польша, Россия, Швейцария, Жанубий Корея, Туркия, Чехия, Озарбайжон, Латвия, Литва, Беларусь, Голландия сингари ўнлаб давлатлардан 150 га яқин фирма ҳамда компаниялар ўзларининг замонавий техника ва ускуналари билан иштирок этаётир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон металлургия ҳамда машинасозлик соҳасида юксак натижаларни қўлга киритаяпти. Бу эса чет элликларда саноатнинг мазкур жабҳаларида ҳам ҳамкорлик қилиш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга ундаётир. Бунга юртимиз ва Чехия Республикаси ўртасидаги тенг манфаатли муносабатлар ёрқин мисолдир.

Чиндан ҳам, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сармоявий алоқалар йил сайин кенгаймоқда. Машинасозлик, энергетика, кимё, нефть-газ соҳалари учун технология ҳамда ускуналар, автоматлаштирилган қурилмалар етказиб бериш ҳамкорликнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Томонлар келгусида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини муттасил ошириш, ишбилармонлар эса янги ҳамкорлар топишдан манфаатдордирлар. "Металлургия. Машинасозлик дастгоҳлари — Machinery Central Asia — 2017" кўргазмасида чехиялик ишбилармонлар миллий стенди билан қатнашаётгани бу борадаги интилишларнинг амалий ифодасидир.

— Бугунги кўргазмада Чехиянинг 9 та компанияси томонидан энергетика ва машинасозлик соҳалари учун илғор ҳамда инновацион маҳсулотлар намойиш қилинмоқда, — дейди "Level Systems" компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Михал Хекрли. — Масалан, бизнинг компаниямиз автомобиль, юк машиналари, тиркамалар, локомотив ҳамда юк вагонлари учун мониторинг ва хавфсизлик тизимларини таклиф этаяпти. Бу қурилмаларнинг афзаллиги шундаки, улар орқали масофадан туриб, транспорт воситаларининг қаерда эканлигини аниқлашдан ташқари, йўша жойдаги ҳарорат, намлик даражаси ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин. Хавф-хатар туғилганда автоматик равишда хабар жўнатилиши эса унинг яна бир қулайлигидир. Шу боис маҳсулотларимизга қизиқиш катта бўлаяпти. Юртингиз тадбиркорлари билан уларни етказиб бериш ҳамда ўрнатиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамиз.

Мамлакатимизнинг транспорт ва логистика салоҳияти намойиш қилинаётган кўргазма ҳам одамлар билан гавжум. Негаки, бу ерда автомобиль, темир ҳамда ҳаво йўллари орқали хизмат кўрсатиш, юк ва йўловчи ташиш имкониятлари, хизматлар экспортидаги енгилликлар ҳақидаги маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Қўриқлаш, хавфсизлик ҳамда ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари эса саноат корхоналари, кичик бизнес субъектларида катта қизиқиш уйғотаётир. Шу боис анжуманда қатнашаётган мамлакатимиз ва хорижий компаниялар вакиллари ўртасида амалий келишувларга эришилиб, истиқболли ҳамкорлик ришталари боғланаяпти.

Уч кун давом этадиган мазкур халқаро анжуман юртимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ютуқларини намойиш қилиш орқали халқаро алоқаларни кучайтириш, тизимдаги корхоналар фаолиятини келгусида янада ривожлантиришдек эзгу мақсадларга қаратилган.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари ҳамда илғор хорижий тажриба асосида қабул қилинган, халқимизнинг кўп асрлик урф-одатлари ва анъаналари, тарихий тажрибаси ҳамда хоҳиш-истакларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатимиз юзи, таъбир жоиз бўлса, мақсадларимизнинг маънавий тимсолидир.

Жамиятдаги янгиланишларнинг қонуний пойдевори

Мустақиллик йилларида Асосий Қонунимизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими яратилди. Бу эса сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда амалга оширилаётган самарали ва кенг қўламли ислоҳотларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.Ўтган давр мобайнида илғор хорижий тажриба ҳамда демократия тамойилларини янада кенг жорий этиш ва мамлакатни бунданда ривожлантириш мақсадида Конституциямизга 10 марта ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Конституциянинг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ҳамда ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини бажаришдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган.

Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида олий қадрият сифатида белгиланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Бунда ўзига хос ўрин тутувчи суд тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий тамойилга қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга биноан, тегишли Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 112-моддаларига ўзгартишлар ҳамда қўшимча киритилди. Натижада Олий хўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ҳамда иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимияти ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Суд-ҳуқуқ тизимида янги институт — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши жорий этилганлигини ҳам айтиш зарур. Бу кенгашга Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларини ҳамда судьяларини мустақил равишда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ваколати берилди.

Конституциямизда муҳрланган тамойил ҳамда қоидалар қабул қилинаётган қонунлар, Фармон ва қарорларда изчил ривожлантирилмоқда. Буни мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш, иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш ва унинг кафолатларини таъминлаш борасида қабул қилинаётган ҳужжатларда яққол кўриш мумкин. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Қонун, давлатимиз раҳбарининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатларимиз салмоқли натижалар бермоқда ва ютуқларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаяпти. Масалан, Жаҳон банкининг 2018 йил учун "Бизнесни юритиш" индикаторлар тизимида юртимиз 190 та давлат ўртасида 74-ўринни эгаллаб, ўтган йилдагига нисбатан 15 поғона юқорилаганлиги барчамизни ғурурлантирди.

Биз эришаётган ютуқ ҳамда марраларда Асосий Қонунимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу маънода, ушбу ҳужжатни ардоқлаш баробарида, унинг меъёрлари ҳаётимиздан чуқур ўрин эгаллаши учун бор куч ҳамда имкониятимизни ишга солиш биз, сенаторларнинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади.

Ш. ЮЛДАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Дунё мамлакатларидаги таълим-тарбия сифати ўрганилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Болаларнинг мактабга қатнашида ота-оналарнинг масъулияти беқиёс. Дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларида мактабга бормаслик ҳолатларига қарши чоралар кўрилган. Мисол учун, бу бўйича энг катта жарималар Японияда (787 доллар), Болгарияда (556 доллар), Сербияда (441 доллар) белгиланган. Бельгия, Франция ҳамда Сингапурда эса қамоқ жазоси ҳам кўзда тутилган.

Жаҳон мамлакатлари таълим тизимида қулай шарт-шароитлар яратишга ҳам ҳисоботда кенг урғу берилган. Хусусан, аксарият ривожланмаган давлатларда бошланғич мактаблар электрлаштирилмаган. Ҳисоботда белгиланган 148 та мамлакатдан 72 тасида бошланғич мактабларнинг 75 фоизга яқини ичимлик суви таъминотига эга, холос. Ўрганилган 137 та мамлакатдан 24 тасидаги мактабларнинг қарийб 50 фоизида энг оддий санитария шароитлари ҳам яратилмаган.

ЮНЕСКОнинг таълимни мониторинг қилиш бўйича маърузасида ҳукуматлар мактаб ва ўқитувчилар ҳисобдорлиги тизимини ишлаб чиқиши, таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда кескин чоралар қўлламаслиги зарурлиги таъкидланган. Чунки боланинг таълим олишига мактаб, оила, ҳукумат ҳамда жамият бирдек масъул бўлиши лозим.

Дунё мамлакатларидаги маориф ишларини юртимиз таълим тизими билан таққослаш Ўзбекистон инсоннинг универсал ҳуқуқларидан бири — таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш борасида улкан натижаларга эришганини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистонда 9,6 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари фаолият юритади, 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар мактаб таълими билан тўлиқ қамраб олинган. Мактабнинг 9-синфини тамомлаган ҳар бир битирувчи академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, жорий йилдан бошлаб эса 10-синфларда таълимни давом эттиради.

Юртимизда беш мингга яқин мактабгача таълим муассасалари бўлиб, бир ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 18 фоизи боғчаларга қамраб олинган. Ҳозирги кунда нодавлат болалар боғчалари ташкил этиляпти, мактабгача таълим сифатини тубдан ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим вазирлиги ташкил қилингани ҳам таълимнинг ушбу йўналиши давлат сиёсати даражасида эканлигининг яққол тасдиғидир.

Қобил ХИДИРОВ тайёрлади.

Куз-қиш мавсуми:

Тайёргарликдан истеъмолчи розими?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тизимда қўшимча имкониятлар

Соҳа мутахассисларининг айтишича, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони коммунал соҳа ривожида янги босқични бошлаб берди. Сабаби, ушбу ҳужжат асосида ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар мавжуд тизимни тубдан такомиллаштириш баробарида, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш имконини бераётир. Бу жараёнда янги ташкил этилган Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги муҳим роль ўйнаяпти.

Очиғи, коммунал соҳадаги камчиликлар аҳолини қийнаб келаётган оғриқли муаммога айланган эди. Айниқса, кунлар совиб, ёғингарчиликлар бошланиши билан масала янада ўткирлашарди. Жорий мавсумда бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилаяпти. Президентимизнинг 2017 йил 22 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда дастуриламал бўлаётир.

Муаммоларнинг амалий ечими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарига қорақалпоғистонликлардан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича 2555 та мурожаат келиб тушган. Кўрилган амалий саъй-ҳаракатлар натижасида шундан 1596 таси ижобий ҳал қилинган бўлса, қолганлари устида ишлар давом эттирилаётир.

Яқинда Республика ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистонда коммунал соҳадаги ишларнинг бориши, хусусан, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, кўмир ва брикет таъминоти ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш борасида белгиланган вазифалар ижроси ўрганилди. Бу жараёнда нафақат Нукус шаҳрининг тўртта сектори ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлардаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти кўриб чиқилди, балки Оролбўйининг энг олис ҳудудлари ҳисобланган "Қорақалпоғистон", "Жаслиқ" шаҳарчалари, Мўйноқ, Тахтакўпир туманларининг чекка овулларига ҳам борилгани эътиборга молик жиҳатдир.

— Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти "Қорақалпоғистон газ" филиали директори Қуаниш Жалекеев. — Табиий газ етиб бормаган аҳоли яшаш пунктлари, ҳатто энг чекка ҳудудлардаги 400 дан зиёд чўпонлар ҳам газ баллонлари билан таъминланди. Жойларда 4 та суюлтирилган газ тўлдириш шохобчаси, битта станция, 92 та тарқатиш шохобчаси узлуксиз фаолият кўрсатаяпти. Натижада бугунги кунгача аҳолига 10412 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Оролбўйи минтақасида куз-қиш мавсуми учун 38 минг тонна кўмир талаб қилинади. Ҳозиргача 15 минг тонна қаттиқ ёқилғи етказиб берилган бўлса, қолган қисми ҳам декабрь ойигача олиб келиниши белгиланган.

— Қиш-қировли кунларда электр энергиясига бўлган эҳтиёж ҳар доим-гидан-да ортади, — дейди "Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти бош директори Зинатдин Керимзатов. — Шу боис мавсумда тасарруфимиздаги 4433 та трансформатор пунктининг узлуксиз ишлашини таъминлаш тадоригини кўраяпмиз. Пировардида Беруний, Тахиатош, Элликқалъа, Қўнғирот, Амударё туманларида 7 та янги трансформатор пункти қурилди, мавжудлари эса таъмирланди. Бу кейинги етти йилда барпо этилган 323 та янги аҳоли мавзесидаги 19541 хонадон ҳам электр энергияси билан мунтазам таъминланишини кафолатлайди.

Электр таъминоти яхшиланмоқда

— Ҳудудимизда илгари чироқни ёқсангиз, у ҳудди шам каби хира нур таратарди, — дейди Ғиждувон туманидаги Қавали қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Исмоил Ҳалимов. — Ушбу муаммо ечими топилавермагач, қишлоғимиз аҳолиси Президентимизнинг Ғиждувон тумани Халқ қабулхонасига мурожаат қилди. Натижада арзимиз соҳа мутахассислари томонидан зудлик билан ўрганилди ва янги трансформатор ўрнатиб берилди. Бундан қишлоғимизнинг 650 нафардан зиёд аҳолиси хурсанд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилояти Халқ қабулхонасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида аҳолидан электр энергияси таъминотига оид 93 та мурожаат келиб тушган. Шуларнинг 76 таси соҳа мутасаддилари томонидан ижобий ҳал этилди. 17 та мурожаат эса ўрганиш жараёнида.

— Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, тизимда модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда, — дейди "Бухоро электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти бош муҳандиси Руҳулло Шарипов. — Бу эса ҳудудларда аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш борасидаги имкониятларимизни кенгайтираяпти. Масалан, ўта юкланиш билан ишлаётган 21 трансформатор юқори қувватлисига алмаштирилди. Узатиш тармоқлари, электр қурилмалари мукаммал таъмирланди. 23 та трансформатор захираси яратилди.

Олот — мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан бири. Яқинда ҳудуддаги "Амударё" подстанциясида ўрнатилган 2500 киловатт амперли трансформатор юқори қувватлисига алмаштирилди. Натижада 2,5 мингта хонадонда электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Ана шундай лойиҳалардан яна бири "Зарафшон" подстанциясида ҳам рўёбга чиқарилди. 4 минг киловатт амперли трансформатор ўрнига қуввати 6 минг киловатт ампер бўлган замонавий ускуна ўрнатилди. Мазкур подстанция, асосан, Бухоро шаҳрининг қадимий қисмида жойлашган корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли хонадонларини электр энергияси билан таъминлайди. Бу ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланаётгани, сайёҳлар оқими кўпаяётгани инобатга олинса, ушбу лойиҳанинг аҳамияти нечоғли катталиги кўзга яққол ташланади.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ҳамда ижтимоий соҳа объектларини 2017/2018 йилларда куз-қиш мавсумига тайёрлаш чора-тадбирларини ўз муддатида, тўлиқ амалга ошириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Зеро, аҳоли турмуш даражаси юксалиши, жамиятда ижтимоий муҳит барқарорлиги таъминланиши, лўндасини айтганда, одамларнинг розилиги уй-жой коммунал соҳасининг самарали фаолият кўрсатиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Миллатлараро тотувлик

тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам асосидир

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги Декларация қабул қилинган эди. Шундан буён мазкур сана "Халқаро бағрикенглик куни" сифатида нишонлаб келинади. Бундан кўзланган асосий мақсад дунё халқларини бағрикенгликка, тинчликни асраб-авайлашга ҳамда ижтимоий-иқтисодий фаровонликка эришишга чорлашдир.

16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

Шу маънода, мамлакатимизда истиқлол йилларида миллатлараро аҳиллик ва конфессияларо тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилаётир.

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ҳамда лаёқатлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришлари учун зарур имкониятлар яратиб берилган. Бундай юксак даражадаги эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, қадр топди. Барча миллат вакилларининг давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этиши кафолатланди.

Ҳозирги пайтда 138 миллий маданий марказ, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллат ҳамда элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини асраш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётир.

Улар "халқ дипломатияси" механизмидан фаол фойдаланган ҳолда, тинч ҳамда фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртларимиз билан яқин ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшаяпти. Мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилаётир, газета ҳамда журналлар 10 дан ортиқ тилларда чоп қилинаяпти.

Айтиш керакки, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида бутунлай янгича маъно-мазмун касб этиб бормоқда. Чунончи, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат этиб белгиланган. Бугун шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллатлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни, яқин қўшниларимиз билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ишлар олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида республикамиздаги миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашиб, улар билан дилдан мулоқот қилгани, таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини эшитгани ҳам бағрикенгликнинг юксак намунаси бўлди. Қолаверса, Юртбошимизнинг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

— Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юклатилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари Камолиддин Эшонхўжаев. — Президентимиз ғамхўрлиги туфайли пойтахтимизнинг Бобур кўчасида жойлашган муаззам бино Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига берилди. Шунингдек, бу бинонинг ёнида жойлашган боғ "Дўстлик боғи" деб номланди. Боғ ҳудудида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатлар вакилларининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ҳамда пазандачилик анъаналарини намойиш этиши учун шароитлар яратилаётгани барчамизни беҳад қувонтирди. Бу жуда катта имконият ва айни пайтда юксак масъулиятдир. Шу орқали халқимиз турли миллатларга мансуб маданиятлар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлади.

Айни пайтда миллий маданий марказларга амалий ҳамда методик ёрдам кўрсатиб, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, "Ўзбекистон — умумий уйимиз" тамойилини амалга ошириш бўйича жойларда турли анжуманлар, учрашувлар, фестиваллар ўтказмоқдамиз. Уларда миллий маданий марказлар вакиллари фаол қатнашаётир. Ўз навбатида, муқаддас заминимизда турли миллат ҳамда элатлар вакилларининг анъана ва урф-одатларини ривожлантириши, миллий ҳамда диний байрамларини эмин-эркин нишонлаши учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган. Буларнинг барчаси ўзаро ҳамжиҳатликни янада таъминлашга хизмат қилаяпти.

— Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, яқин дўст ҳамда қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз, маданий ва диний қадриятларимиз, анъанаю урф-одатларимиз муштарак, — дейди Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси Раҳматулла Жабборов. — Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланди. Ҳукуматлар ҳамда ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифлари амалга оширилаётгани улкан самаралар бераётир. Чегаралардаги назорат-ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тикланиши натижасида аҳоли эмин-эркин ҳаракатланиши учун енгилликлар яратилаяпти. Бундан ҳамма беҳад хурсанд.

Бугунги кунда республикамизда қирғиз миллатига мансуб 300 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, уларнинг ҳар бири Ўзбекистонни ўз Ватани, унинг ривожига ҳисса қўшишни эса муқаддас бурчи, деб билади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари яхлит ҳолда Ўзбекистон халқини ташкил этади. Улар бир-бирлари билан ҳамжиҳат бўлиб, юртимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Зеро, бағрикенглик тинчликнинг бош мезони бўлса, тинчлик юксак тараққиёт гаровидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан).

ТИББИЁТ

Бойсун тумани аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида бунёд этилган марказий поликлиниканинг фойдаланишга топширилиши кенг жамоатчилик иштирокидаги катта тантанага айланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилади

— Инвестиция дастурига биноан барпо этилган марказий поликлиника 200 қатновга мўлжалланган бўлиб, иншоот қурилишига 2 миллиард 596 миллион сўм сарфланди, — дейди Бойсун тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Бобохон Тўраев. — Ушбу муассаса замонавий ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланди. Амбулатор қабуллар электрон бошқарув тизимига ўтказилгани ҳудуд аҳолисига катта қулайликлар яратди.

Қайд этиш ўринлики, босқичма-босқич амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида Бойсун туманидаги тиббиёт муассасалари нафақат замонавий қиёфага эга бўлаяпти, балки уларда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам сифат жиҳатидан янада яхшиланиб бораётир. Жумладан, ҳозирги пайтгача туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ, болалар, хирургия, диагностика, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларида реконструкция ишларини амалга оширишга қарийб 5 миллиард сўм, юқумли касалликлар бўлими биносини янгидан бунёд қилишга эса 2,5 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 265 турдаги тиббий асбоб-ускуна ҳамда аппаратлар олиб келинди. Соҳадаги янгиланиш жараёни марказдан олис ҳудудларда ҳам ўз ифодасини топиб, Сайроб, Қорабўйин, Работ ва Бойсун қишлоқ врачлик пунктлари негизида оилавий поликлиникалар, шунингдек, жойларда 6 та тез тиббий ёрдам шохобчаси ташкил этилди. Ҳудуд аҳолисига 5 та "Дамас", битта "Ниссан" русумли санитар автотранспорт воситаси хизмат кўрсатаётир.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббиёт соҳасини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис тизим фаолияти тобора яхшиланиб бормоқда, — дейди меҳнат фахрийси Собир Тошбоев. — Туманимиздаги тиббиёт масканларида яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлар касалликларни эрта аниқлаш ва уни самарали даволаш имконини бераётир.

Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, туманда хусусий тиббиёт муассасалари кўпаймоқда. Жумладан, "Доктор Нусрат" хусусий клиникаси аҳолига ўз эшикларини очгач, ҳудудда фаолият олиб бораётган ана шундай клиникалар сони олтитага етди.

— Аҳоли саломатлигини асраш — устувор мақсад, — дейди Нусрат Худойқулов. — Туман тиббиёт бирлашмасида кўп йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққач, қўнглимдаги хайрли мақсадни амалга оширишга киришдим. Оила аъзоларимиз билан ҳамжиҳатликда хусусий клиника биносини қуриб, уни ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган замонавий ускуна ҳамда аппаратлар билан жиҳозладик. Ҳозирги пайтда бу ерда амбулатор шароитда терапия, физиотерапия, маслаҳат ва консерватив даволаш ишлари қаторида, клиник, биохимик ҳамда гематологик анализаторлар ёрдамида диагностика хизматини кўрсатиш имкониятига ҳам эгамиз.

Кўп тармоқли марказий поликлиника ва хусусий клиника биноси очилишига бағишланган тадбирларда Сурхондарё вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Агрологистика маркази қурилиши бошланди

Қамчиқ довони орқали ўтган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг ҳам қулай имкониятларини юзага келтирди. Шу аснода Поп шаҳрида "Namangan agro logistic" масъулияти чекланган жамиятининг логистика маркази қурилиши бошланди.

ҚУЛАЙЛИК

— Лойиҳа йилига 3 минг тонна маҳсулотни сақлаш ва 7 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлашга мўлжалланган, — дейди МЧЖ раҳбари Яҳёхон Ҳамдамов. — Дастлабки босқичда соатига 2 тонна гилос ҳамда 6 тонна олмани саралаш ва қадоқлаш қувватига эга технологияларни ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бу юмуш келгуси йилнинг баҳорида ниҳоясига етказилади.

Айни жараёнда уч минг тонна сиғимга эга совиткичли омборлар ҳам бунёд этилади. Кейинги босқичда эса Жанубий Корея усулида иссиқхона қуриш ҳамда 3 гектар майдонда малиназор яратиш кўзда тутилган. Италия технологиясига асосланган қайта ишлаш цехида эса бир кеча-кундузда 7 тонна шарбат концентрати тайёрланади.

Логистика марказидаги дастгоҳлар дастлабки пайтда аҳоли ва фермер хўжаликларидан қабул қилинган хом ашё ҳисобига фаолият юритса, бу ерда ташкил этиладиган 200 гектарлик интенсив боғ ҳосилга киргач, мажмуа ўзини ўзи мева-сабзавот билан таъминлашга ўтади. Марказнинг тўлиқ ишга туширилиши эса 250 киши ишли бўлади, дегани. Тижорат банкининг 17 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағи йўналтирилаётган мазкур иншоот лойиҳаси жорий йил июль ойида давлатимиз раҳбари томонидан Наманган вилоятига ташрифи чоғида қўллаб-қувватланган эди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

"Сингапур метросида поездлар тўқнашиб кетди", дея хабар тарқатди "Channel News Asia" телеканали.

Метродаги ҳодиса



Бахтли тасодиф туфайли ҳодиса оқибатида қурбонлар бўлмади. Фақатгина 20 дан зиёд йўловчилар турли жароҳат сабабли шифохонага ётқизилган. Уларнинг ҳаёти хавф остида эмас.

Дастлабки маълумотларга кўра, ҳаракатланаётган поездлардан бири тўхтаб турган вагонга ҳайдовчининг хатоси туфайли бориб урилган.

Машҳур музейнинг филиали

Бирлашган Араб Амирликларида жаҳонга машҳур "Лувр" музейининг филиали иш бошлади.

Мазкур маскан атрофи Форс кўрфази сувлари билан ўралган. Залларнинг умумий майдони деярли юз минг квадрат метрга тенг. Бу ерда 600 га яқин экспонатлар намойишга қўйилган.

Музейга ташриф буюрувчилар кўплиги сабабли маъмурият ҳар куни яна мингта қўшимча чипта чиқараяпти.

Чемпионатга чиқолмаганлар учун чемпионат

АҚШ футбол федерацияси 2018 йилги жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга кирита олмаган терма жамоалар учун махсус норасмий чемпионат ўтказмоқчи.

"ESPN" телеканалида айтилишича, бу мусобақада мезбон мамлакат билан бирга, Италия, Нидерландия, Гана, Чили, Кот-д-Ивуар, Шимолий Ирландия, Словакия, Ирландия каби давлатлар қатнашиши режалаштирилган.

Ўзига хос турнирни келаси йили расмий мундиаль бошланишидан олдин ўтказиш кўзда тутилаяпти.

Фойдали неъматлар

Буюк британиялик ва норвегиялик олимлар ошқозон-ичак касалликлари, жумладан, саратоннинг олдини олиш учун энг фойдали озиқ-овқатлар рўйхатини эълон қилдилар.



Унга кўра, анор, қизил узум навлари, нок, қўзиқорин, ясмиқ, соя ҳамда яшил нўхат хасталикка қарши иммунитетни оширади. Олимларнинг фикрича, ушбу неъматлар аутофагия (зарарли таркибий қисмларни ҳужайра қабул қилиши)га ижобий таъсир кўрсатади ва организмдаги яллиғланиш жараёнларининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

КИЧИК БИЗНЕС

Янгиариқ туманида яшовчи тадбиркор Мансурбек Юсупов Остона қишлоғида нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хусусий корхона очмоқчи экан, деган гапни эшитганда, кўпчилик ҳайрон бўлганди. Ҳатто баъзи яқинлари, "Ҳар қадамда новвойхоналар бор-ку, бунақа корхонадан фойда олармидинг?" деб уни фикридан қайтаришга ҳам уринишди.

«Барчиной»нинг нонлари

Шунга қарамай, тадбиркор аҳдида қатъий турди. Шарқона дастурхонда энг сархил ноз-неъматлар ҳам нон ўрнини боса олмаслигини яхши англаб, пухта бизнес-режа тузди. Муҳими, елиб-югуришлари зое кетмади. М. Юсупов "Барчиной" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Банкдан 80 миллион сўм кредит олиб, Хитойдан замонавий ускуналар келтириб ўрнатди. Асосий эътиборни иш самарадорлигини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратди.

Эндиликда таълим, тиббиёт муассасалари ва қишлоқ аҳолисига етказиб берилаётган етти турдаги нон маҳсулотлари туманда "Барчиной"нинг нонлари" номи билан машҳур. Жорий йилда коллеж дипломини олган бир гуруҳ ёшлар жамоа сафида меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда корхонада маҳсулотлар турини янада кўпайтириш чоралари кўрилаётир.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи мухбири.

Қоидабузарликлар фош этилди

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти божхона ходимлари "Сеул — Тошкент" рейси бўйича парвозини якунлаган фуқаро Умидбек Латиповнинг қоидабузарлигини фош этишди.

БОЖХОНА

Назорат чоғида божхона декларациясида кўрсатилмаган ҳамда оғзаки сўров пайтида ёнида ортиқча товарлар йўқлигини айтган йўловчига тегишли юк назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда, темир қутилар назоратчилар диққатини тортди. Шундан сўнг мазкур ашёлар белгиланган тартибда кўздан кечирилгач, улар орасига муқаддам фойдаланилган турли русумдаги 133 дона мобиль алоқа воситаси яширилганлиги маълум бўлди. Ваҳолонки, амалдаги тартибларга кўра, рухсат этилган меъёрлардан зиёд бўлган худди шундай турдаги маҳсулотларни республикамизга олиб киришда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг рухсати талаб қилинади.

Кейинчалик қайта сотиш мақсадида келтирилган ушбу телефонларнинг тахминий қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 64,5 миллион сўмликдан зиёд эканлиги аниқланди.

Шунингдек, "Тошкент — Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари тилла ҳамда заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб чиқилишига доир навбатдаги қоидабузарликни ҳам қайд этишди. "Тошкент — Деҳли" йўналиши бўйича парвозга отланган опа-сингиллар Дилдора ва Диёра Ғофуровалар тилла қуймаларни божхона назоратидан четлаб олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Улар холислар иштирокида кўрикдан ўтказилганида, Дилдора Ғофурова 130 грамм оғирликдаги 2 дона ҳамда Диёра Ғофурова 100 грамм оғирликдаги 2 дона тилла қуйма бўлагини ички аъзоларига яширган ҳолда олиб чиқишаётгани аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан текширув ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Умуман, "Тошкент — Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 1,1 мингдан ортиқ божхона қоидабузарликлари натижасида қиймати 9 миллиард сўмликдан зиёд товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳусан ТАНГРИЕВ,
«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси Ахборот хизмати катта инспектори.

"Хавотир олманг, ҳужжат топилади"

Бешбўйноқ маҳалласида истиқомат қилувчи 93 ёшли Исоқжон Ибрагимов Андижон тумани Халқ қабулхонасига мурожаат этди. Маълум бўлишича, у Иккинчи жаҳон урушида қатнашганига алоқадор барча ҳужжатни жанглардан бирида йўқотган экан. Орадан шунча йил ўтса-да, уларни тиклаш имкони бўлмабди.

ЭЗГУЛИК

— Отахон, хавотир олманг, ҳужжат топилади, — деди Халқ қабулхонаси раиси Дилмуроджон Каримов унга тасалли бериб. — Туман мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда қидирув ишларини олиб борамиз.

Нуроний мутасаддига ишонди. Аввалдан миннатдорлик билдириб, уйига қайтди. Кўп ўтмай, Россия Федерацияси масъул идоралари кўмагида Исоқжон бобога тегишли барча ҳужжат юборилди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида туман Халқ қабулхонасига аҳоли томонидан 1861 мурожаат келиб тушди. Уларнинг аксарияти, яъни 1433 таси ижобий ҳал қилинган.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУГУН — ХАЛҚАРО ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ КУНИ

УМР КУШАНДАСИ

Инсон саломатлиги учун ўта хавфли эканлиги аллақачон исботланганига қарамасдан, башарият ҳали-ҳамон воз кечолмаётган иллат — сигарета чекиш, бошқача айтганда, кашандаликдир. У, афсуски, мусаффо осмонни заҳарли тутунга тўлдириб, одамзоднинг узоқ умр кўришига тўсиқ бўлиб келаяпти. Бинобарин, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ёзганидек, "Агар чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсон минг йил яшарди..." Тамаки тутуни таркибида эса нафақат чанг ва ғубор, балки сизу биз тасаввур ҳам қилолмайдиган мингдан ортиқ заҳарли моддалар бор экан.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан кашандаликка қарши турли чоралар қўлланилаётган бўлса-да, уни батамом бартараф этишнинг имкони бўлмаяпти. Мисол учун, сайёрамизнинг экологик софлигини таъминлаш, чекиш билан боғлиқ хасталиклар ва ўлим ҳолатларини камайтириш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида 1988 йилдан эътиборан ҳар йили 31 май санаси "Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни" (айрим давлатларда "Бутунжаҳон тамакисиз кун" деб ҳам аталади) сифатида нишонлаб келинади. Шу куни чекишнинг салбий оқибатларини кўрсатиш, башариятни бу иллатдан воз кечишга чақириш, кашандалик билан боғлиқ хасталикларни камайтиришга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари дунё миқёсида олиб борилади. Ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар яна бир карра огоҳликка, ҳушёрликка чорланади. 1977 йилдан бери эса ноябрь ойининг учинчи пайшанбаси "Халқаро чекишни ташлаш куни" сифатида белгиланиб, барча шу куни чекишни ташлашга чақирилади.

Таассуфки, жаҳон ҳамжамиятининг бу каби глобал саъй-ҳаракатларига қарамасдан, дунё миқёсида тамаки истеъмол қилиш кўрсаткичи барибир пасаймаяпти. Қолаверса, чекиш ёшининг тобора "ёшариб" бораётгани кузатилмоқда. Масалан, ривожланган давлатларда бу ўртача 18 ёшни ташкил қилса, ривожланаётган мамлакатларда 15, қолоқ давлатларда эса ҳатто 13 ёшдан бошлаб чекишга ружу қўйишаётир. Кашандалар сафига ҳар йили 80 — 100 минг нафар вояга етмаганлар қўшилаяпти. Уларнинг ҳар 10 нафаридан 8 нафари келгусида бу иллатдан қутулолмаётгани эътиборга олинса, мазкур хавфнинг кўлами ойдинлашади.

Ер юзида сигарета туфайли пайдо бўладиган хасталикларга чалинаётган ва ҳаттоки, унинг қурбонига айланаётганлар сони ўсиб бораётгани ҳам ачинарлидир. Бу борада қуйидаги далилларга эътибор қаратиш кифоя: ЖССТ маълумотларида қайд этилишича, ҳар 8 сонияда (10 йил аввал бу кўрсаткич 12 сонияга тенг эди) бир киши тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш ёки пассив кашандалик оқибатида орттирилган касаллик туфайли вафот этаяпти. Бир йилда айни шу сабаб билан 6,4 миллион нафар инсон ёруғ дунёни тарк этмоқда. "Агар тамаки истеъмоли кўлами шу тахлит ортишда давом этса, 2020 йилга бориб, йилига 10 миллион нафар одам мазкур хасталиклардан ҳалок бўлади, 2030 йилда эса бу инсониятнинг эрта ёшдаги ўлимига сабабчи бўлувчи асосий омилга айланади", дейилади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотномасида.

— Никотин тамаки тутуни таркибидаги энг кучли алколоид бўлиб, дастлаб асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади, сўнг қонга сўрилиб, ички аъзоларга зарар етказади, — дейди пойтахтимиздаги 26-оилавий поликлиниканинг олий тоифали умумий амалиёт шифокори Дилфуза Очилова. — Оқибатда, асаб тизими емирилади, хотира сусайиб, диққатни жамлаш қийинлашади. Энг ачинарлиси, чекиш касаллигининг насл суриши эҳтимоли ҳам юқори.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, фарзандларимизнинг баркамол вояга етиши, юртимиз экологиясини кўз қорачиғидек сақлаш мақсадида кашандаликка қарши кураш бўйича кўплаб эзгу ишлар, амалий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, 2012 йилнинг 5 апрелида юртимизда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди. Унга кўра, фуқароларнинг, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтириш, тамакига қарамликни йўқотиш, тиббий огоҳлантириш, ушбу турдаги маҳсулотларнинг реклама қилинмаслиги, уларнинг ўралиши ва тамғаланишига оид талабларнинг қатъий бажарилиши, тамаки маҳсулотларини реализация қилишга доир махсус чекловлар борасида мунтазам иш олиб борилаётир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 7 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилинишига йўл қўйилмайдиган огоҳлантирувчи ҳамда тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жой ва (ёки) хона ҳақида ахборот берувчи белгиларни тайёрлаш ҳамда уларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом"га биноан, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, жумладан, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида чекишни тақиқловчи белгилар ўрнатилиб, унга риоя этмаган фуқаролар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56¹-моддасига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида жаримага тортилиши қатъиян белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ҳар йили юртимиздаги турли вазирлик ҳамда идоралар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари томонидан чекишнинг олдини олиш, ёшларни, айниқса, вояга етмаганларни бу иллатдан асраб-авайлашга қаратилган турли-туман фестиваллар, кўрик-танловлар, спорт марафонлари ўтказилмоқда, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётир.

Юқорида айтиб ўтилган мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, чекиш нафақат умр заволи, шу билан бирга, бутун инсоният, наботот ва ҳайвонот оламининг кушандасидир. Мустаҳкам ирода, кучли азму шижоат, қатъий интилишга эга киши эса бу иллатдан бутунлай қутула олади.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.

Аудиокитоблар тақдимоти

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрда имзоланган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори халқимиз маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида аҳоли, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдона асарларининг аудио вариантлари тайёрланиб, халқимизга туҳфа қилингани ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди.

Мазкур аудиокитобларнинг тақдимот маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов ҳамда бошқалар китоб инсонни юксак мақсадлар билан яшашга, бунёдкорлик, яратувчанликка ундашини алоҳида таъкидлашди. Аудиокитоблар замонавий медиатехнологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳосиласи бўлиб, бугунги тезкор даврда мутолаа учун янада қулай имкониятни яратади.

— Китоб — энг содиқ дўст, — дейди "Ўзбекистон" телерадиоканали маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар шарҳловчиси Саида Зокирова. — Китобхонларга тақдим қилинган ушбу аудиокитоблар телерадиоканалимиз студияларида сўз усталари, актёрлар томонидан ўқилиб, ёзиб олинган. Уларни тайёрлашда ижодий ташкилотлар, нашриётлар, таниқли адиблару адабиётшунос олимлар қатнашган. Бугунги кунгача жамоамиз томонидан тайёрланган аудиокитоблар ҳажми 230 соатдан ошди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ушбу аудио асарлар "Радиокитоб" лойиҳаси доирасида тингловчилар эътиборига ҳавола қилиб борилаяпти.

Тадбирда "Алпомиш" достони, "Темур тузуклари", "Бобурнома", "Хамса", "Қобуснома", "Фауст", "Ўткан кунлар" каби 30 га яқин бебаҳо асарларнинг аудио вариантлари тақдим этилди.

Дилшод КАРИМОВ.

МАДАНИЯТ *хабарлари*

«Муҳаббат боғи»га сайр

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида мусаввир Даврон Тошевнинг "Муҳаббат боғи" деб номланган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Унда рассомнинг фалсафий мушоҳадага йўғрилган замонавий ўзбек миниатюра санъати услубидаги "Устоз ҳузурида", "Мутолаа", "Кўнгил баҳори", "Малика", "Шоҳона ов", "Минг бир кеча" сингари саксонга яқин ранг-баранг суратлари намойиш қилинаяпти.

Эътиборли жиҳати шундаки, ёш ижодкорнинг асарларида XVI аср Бухоро мактаби йўналиши акс этган бўлиб, уларда ранглар уйғунлиги ва образлар талқинининг янада ишонарли эканлигини кўриш мумкин.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

Қозоғистон Республикасида ЮНЕСКО шафелигида "Туркий халқлар амалий санъати" фестивали ўтказилди. Унда мезбонлар билан бирга, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ҳунармандлари қатнашди.

Туркий халқлар амалий санъати

Юртдошларимиз қадриятларимиз, маданият ва санъатимизни акс эттирган ноёб миниатюра асарлари, сомондан ишланган 3D композициялари, ёғоч ўймакорлигининг лавҳ, қутича, қаламдон, баркаш кўринишидаги намуналарини тақдим қилишди.

— Жамоамиз тадбир ташкилотчиларининг махсус совғаси — Хожа Аҳмад Яссавий муҳри акс эттирилган мукофотга сазовор бўлди, — дейди ҳамюртимиз, қўғирчоқсоз уста Мансур Қурёзов. — Ушбу тадбир туркийзабон халқлар амалий санъати усталарининг бир-бирлари билан ижодий ҳамкорлик қилишига, фаолиятлари билан яқиндан танишишга имконият яратди.

Тадбир доирасида меҳмонлар Туркистон шаҳридаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

Даврон ШУКУРОВ.

Спорт • Sport • Спорт

Нуфузли мусобақага ҳозирлик

Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси яна бир нуфузли мусобақага қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Гап шундаки, 28 ноябрдан 6 декабрга қадар АҚШнинг Калифорния штати, Анахайм шаҳрида катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Миллий олимпия қўмитасидан олинган маълумотга кўра, унда Ўзбекистон шарафини 10 нафар спортчи ҳимоя қилади. Атлетларимиз 26 ноябрь куни океанортига жўнаб кетишади.

«Тошкент кузи — 2017»

Пойтахтимизда шахмат бўйича "Тошкент кузи — 2017" мусобақаси бошланди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 118 нафар "ақл гимнастикаси" устаси турли ёш тоифаларида икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун куч синашмоқда.

Турнир натижалари билан Ўзбекистон шахмат федерациясининг интернетдаги сайти орқали танишиш мумкин.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзметкомбинат» АЖ

ходимларини куз-қиш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади:

Картошка —	Пиёз —	Сабзи —	Гуруч —
425 тонна	358,3 тонна	204 тонна	54,5 тонна

Танловда иштирок этиш учун маҳсулотларнинг нархи ва тарифини (маҳсулотнинг нави, етиштирилган жойи) кўрсатган ҳолда тижорат таклифини тақдим қилиши шарт.

Алоқа учун телефон: (0-370) 214-15-60.
Электрон манзили: pr.3@uzbeksteel.uz
Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй, «Ўзметкомбинат» АЖ.

1397A/

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«Universal realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Elegans teks» МЧЖ ҚКга қарашли, Жиззах шаҳри, Кўтарма маҳалласи, Тўқимачилар кўчаси, 7-уйда жойлашган, ер майдони 14,5 гектар, шу жумладан, бино-иншоотлар майдони 62 412,31 кв. м. бўлган кўчмас ва бошқа мулклар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 21 085 715 251 сўм.

Аукцион савдолари шартлари:

— аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тўлаб берилиши лозим;

— ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар (давлат божи, нотариал тасдиқлаш ва бошқалар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

— аукционда иштирок этиш учун талабгор мажбуриятлари бажарилишининг таъминланиши сифатида тўланган закалат пули аукцион ғолиби билан тузиладиган шартнома суммасига киритилади.

Аукцион савдоси 2017 йил 18 декабрь куни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш 2017 йил 15 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Мазкур кўчмас мулклар 2017 йил 18 декабрдаги савдоларда сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2017 йил 25 декабрь, 2018 йил 5, 12 январь кунлари соат 11.00 да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилиш 2017 йил 22 декабрь, 2018 йил 4, 11 январь кунлари соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— аукцион савдоси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Тошкент шаҳар филиалидаги МФО: 00445, СТИР: 302269399, 20208000104975228001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумот олиш манзиллари:

100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй, «Universal realtor» МЧЖ.
Телефон: (0-371) 150-35-55.
Факс: (0-371) 236-74-67.
www.realtor.uz
E-mail: universal.realtor@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

13904/609

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

• Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Учтепа филиалига қарашли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 3-«А» уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, давлат рақами 01/327 CFA бўлган, «Nexia DOHC» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 40 540 000 сўм.

• Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали Амалиёт бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 5-уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, техник соз, давлат рақами 01/753 UCA бўлган, «Epica» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 64 353 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 19 декабрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 15 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

13904/646

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 00.30 1 3 4 5 6